

  
**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Ўзулгуржисавдоинвест”**  
уюшмаси раиси  
**З.О.Файзиев**  
“30”                      2014 йил

## **ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ** **(ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ +998 71 239-10-03)**

### **1. Хизмат номи (паспорт) – Ишонч телефонлари.**

**1.1. Хизматнинг номланиши** фуқаро ва тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган мавзу, муаммоли масала ёки Уюшма фаолияти билан боғлиқ саволларга жавоб олиш хизматини тақдим этиш мақсадида махсус телефон рақами (*кейинги ўринда “Ишонч телефонлари” деб юритилади*).

### **1.2. Хизматлар натижаси**

Фуқароларга қулайлик яратиш, Уюшма ҳақида батафсил танишиш ва қизиқтирган саволларга жавоб олишга хизмат килади.

### **1.3. Давлат бошқарув органи, хизматни тақдим этиш жойи.**

Юридик манзили: 100021, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтахур тумани, Навоий кўчаси, 25 уй.

“Ишонч телефонлари” номи хизмат Уюшма веб-сайти орқали интерактив давлат хизмати сифатида тақдим этилади.

### **1.4. Ҳуқуқий асослар**

Давлат хизматини кўрсатишга асос бўлган ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 13 декабр “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги 446-II-сонли Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2013 йил “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қароридан кўзда тутилган топшириқлар.

### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Ушбу хизматдан барча фуқаролар, тадбиркорлар, давлат органи ходими (юридик шахслар) ва бошқалар фойдаланишлари мумкин.

### **1.6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати**

Ишонч телефонлари орқали мурожаат қилинган вақтнинг ўзида жавоб берилади. Агарда мулоҳазали масала бўлган ҳолда 3 (уч) иш куни давомида ўрганиб чиқиб, телефон орқали (зарур ҳолда ёзма равишда) хабар берилади.

### **1.7. Ижро муддати**

Уюшма томонидан бириктирилган маъсул ходими томонидан Ишонч телефонлари орқали мурожаат қилинган вақтнинг ўзида жавоб берилади.

## **2. Ишонч телефонлари**

### **2.1. Хизматдан фойдаланиш.**

- хизмат Уюшмада Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур тумани Навоий кўчаси 25 уйда иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача амалга оширилади;

- расмий веб-сайти “[uzsavdo.uz](http://uzsavdo.uz)” орқали кизиқтирган саволлар ва Уюшма фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

### **2.2. Батафсил хабардор қилиш.**

Шахсан Уюшманинг марказий девони Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур тумани Навоий кўчаси 25 уйда ёки Ишонч телефонлари орқали батафсил маълумот берилади.

Уюшманинг расмий веб-сайти орқали ҳам кизиқтирган саволларга жавоб олиш мумкин ([www.uzsavdo.uz](http://www.uzsavdo.uz))

### **2.3. Уюшма фаолияти бўйича маълумотлар олиш**

Шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни 9-00 дан 18-00 гача шахсан ёки Ишонч телефонлари орқали маълумот олишингиз мумкин.

### **2.4. Мўлжал**

Навоий кўча 25 уй, Хадра майдони, Тошкент Савдо Маркази (аввалги Туркуаз, ГУМ), Марказий 1-сонли дорихона “Дори дармон” ёнида жойлашган.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Иш кунлари 9-00 дан 18-00 гача (тушлик 13-00 дан 14-00 гача), шанба ва якшанба кунларидан ташқари Ишонч телефонларига кўнғирок қилиш мумкин.

### **3.2. Қутуш шартлари**

Ишонч телефони орқали қилинган мурожаатни муҳокама қилишни талаб этган ҳолда, 3 (уч) иш куни давомида таҳлил қилинади, сўнгра муаллиф хабардор қилинади.

**4.1. Хизмат тўловлари**

Хизматдан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

**4.2. Давлат хизматини амалга ошириш босқичлари**

Хизмат фақатгина ишонч телефони орқали бир босқичда амалга оширилади.

**4.4. Кўриб чиқиш шарти**

Хизматни амалга оширишда фақатгина Уюшма фаолиятига доир саволлар ва масалаларга жавоб берилади.

**4.5. Рад этиш шартлари**

Мурожаат Уюшма фаолиятига оид бўлмаган ҳолда мазкур масала билан шуғулланувчи давлат идораси, корхона ёки ташкилотга мурожаат қилиш тавсия этилади.


**5. Сифатли ишлашнинг таъминлаш****5.1. Сифат кўрсаткичлари**

- Хизматдан фойдаланиувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш.
- Ҳукукий кўмак ва маслаҳатлар.
- Уюшма тизимига кириш учун бир қатор маълумотлар олиш имконини беради.

**5.2. Шикоят қилиш тартиби.**

Уюшманинг Ишонч телефонларига 239-10-03 қилинган мурожаат асоссиз равишда рад этилган ҳолларда.

**“Ўзлугуржисавдоинвест” уюшмаси томонидан тақдим этиладиган “Ишонч телефонлари” хизматининг тақдим қилиш чизмаси**



Хужжатларни тақдим этиш  
Девонхона, веб-сайт...

маълумот



Квадрат (тўғрибурчакли тўртбурчак) – қисмда, амалга ошираладиган ишлар кўрсатилган. Квадрат ичида нима ишлар амалга оширилиши ва жой номи кўрсатилган.

Доира (овал) – қисмда мурожаатга асосан муносабатлар кўрсатиб ўтилган (Ҳокимлик тавсиясига асосан жавоб хатларини юбориш кўрсатиб ўтилган.)

Кўрсаткич – қисмлар ўртасидаги алоқа, хизматни амалга ошириш жараёнини кўрсатувчи белги. Қайсидир кўрсаткичларда оралик масофалар бўлиши мумкин.